



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ 1/2015

Имом Бухорий халқаро марказининг илмий нашри

Бош муҳаррир:

Шовосил Зиёдов

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Баҳодир Раҳмонов

Неъмат Жабборов

Таҳрир хайъати:

У.Алимов

О.Юсупов

А.Мансур

А.Бердимуродов

А.Ҳасанов

Б.Абдуҳалимов

Б.Матбобоев

Б.Тўраев

Ж.Яхшиликوف

З.Исломов

З.Мунавваров

И.Саидов

М.Муҳиддинов

Н.Иброҳимов

Ҳ.Йўлдошхўжаев

Ш.Сирожиддинов

Ш.Ғаффаров

У.Уватов

Илмий котиб:

Шуқурилло Умаров

Компьютер

безакчиси:

Нодирбек Пулатов

Журнал Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги

Олий Аттестация Ко-

миссиясининг илмий

журналлар рўйхати

га киритилган.

МУНДАРИЖА

Шовосил ЗИЁДОВ: Наврўз – миллий
кадриятларимизнинг олий тимсоли.....3

2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Ўроқхон НАРЗУЛЛАЕВ. Кексаларни эъзозлаш
одоби ҳақида.....5

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Музаффар АҲМЕДЖАНОВ. Глобаллашув ша-
роитида диний омил билан боғлиқ жараёнлар-
нинг ўзига хос хусусиятлари7

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ. Алишер Навоий
ижодида Хожа Баҳоуддин сиймоси.....11

Баҳодир РАҲМОНОВ. Бобур Мирзода руҳий-
маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш.....14

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Абдуҳалим МУҲИДДИНОВ. Ислом динида эзгу-
лик ва толерантлик масаласи.....16

АЖДОДЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Илҳом САИДОВ. Абдураззоқ Самарқандий ил-
мий меросининг тарихий аҳамияти18

Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Исмоил ас-Саффор Бух-
орий мотуридийна мактабининг йирик вакили си-
фатида22

Ойбек ҲОШИМОВ. Иззуддин ибн Асирни вояга
етказган хонадон.....25

Хуршид САМАТОВ. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий
асарларида диний мурасасозлик ва ижтимоий
ҳамжихатлик ғоялари.....27

МАНБАШУНОСЛИК

Зохиджон ИСЛОМОВ. «Араблар ва аҷамлар
устози»нинг илмий мероси «Кунчиқар мамлақати-
да».....29

ВАТАНИМИЗ ТАРИХНИ ЎРГАНАМИЗ

Алишер ЯРКУЛОВ. Ўзбекистонининг жаиубий
ҳудудларида илк ўрта асрлардаги этник ва тарихий
жараёнлар.....31

Муассис – Имом Бухорий халқаро маркази

Ўзбекистон Матбуот
ва Ахборот агентлигида
руйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами – 0057

Берилган санаси –

07.01.2009 йил

Нашр индекслари –

№ 946, № 947

Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишла-
ри бўйича қўмитанинг
2015 йил 28 апрель
№1828-рақамли рухсати
билан нашр қилинди.

Таҳрир ҳайъати фикри
муаллифлар фикридан
фарқ қилиши мумкин.

Журналдан кўчириб
босилганда манба қайд
этилиши шарт.

Манзилмиз:

141306, Самарқанд ви-
лояти, Пойарик тумани,
Хўжа Исмоил шаҳарчаси.

Телефон: 8366-673-31-35;
+99894 186-19-94

Факс: 8366-673-31-78

Веб саҳифа: www.bukhari.uz

E-mail: imambukkari@umail.uz

imambukhari@mail.ru

Журнал андозаси
таҳририятнинг компьютер
бўлимида тайёрланди.

“Polygraphy Gold Press”

МЧЖ билан “Картография”
илмий-ишлаб чиқариш

Давлат корхонаси

ҳамкорлигида чоп этилди.

Босмохона манзили:
100000, Тошкент шаҳри,

Зиёлилар кўчаси 6.

Буюртма № 0212.

Адади: 2000

Босишга: 30. 04. 2015 й.
рухсат этилди.

Босмахонага

01. 05. 2015 й. да

топширилди.

Ботирали ВАҲОБОВ. Фарғона водийсидаги
қурама этнографик гуруҳи ўзбек этник муҳитида ..
.....35

Муҳаммадихон БУЗРУКОВ. «Таллак Ота»
зиёратгоҳи хусусида.....38

Улуғбек МАНСУРОВ. Фарғона водийси
шаҳарларида саноат тизимидаги ўзгаришлар.....41

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Лазизжон БАХРАНОВ Диний мавзуда-
ги тасвирий санъат асарларининг бадий
танқидчиликдаги фалсафий-эстетик талқини...43

Маҳбуба ЭРҒАШЕВА. «Авесто» да синергетик
ғоялар47

Аминжон АЙМАТОВ. Шасхнинг табиатга эсте-
тик муносабатини шакллантиришда эстетик онг
ва маданият.....50

Фаррух УСМОНОВ. Инсон фаолиятининг раци-
онал ва интуитив жиҳатлари.....53

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР

Маъруф ШЕРОВ. Аҳолини аниқ йўналтирилган
тарзда ижтимоий ҳимоялашда маҳалланинг ўрни
ва роли.....56

Ulug'bek YAZDANOV. Jamoatchilik fikri
funksiyasi va namoyon bo'lish xususiyatlari.....59

Гулсум ТАГИЕВА. Ўзбек оилалардаги вертикал
ва горизонтал муносабатлар.....63

Ўткирхон МАҲМУДОВ. Эртатурмуш–келтирар
ташвиш.....66

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Зайнаб КОМИЛЖОНОВА. Ўзбекистонда чоп
этилган тасаввуфга оид адабиётлар: тасниф ва
таҳлил (XX аср охири – XXI аср бошларида).....68

Икромжон АЗИЗОВ. Бухоро амирлиги бозорла-
ри: бошқарув ва назорат.....70

Шаҳноза АҲМЕДОВА. Оилада эр-хотин бурч ва
масъулияти.....74

ШЕЪРИЯТ

Абдурахмон ҚОДИРОВ. Меҳмон эмасму?.....77

ЯНГИ НАШРЛАР

Бахтиёр ТЎРАЕВ. Мафкуравий курашнинг ман-
бавий ва технологик асослари.....78

Шовосил ЗИЁДОВ. «ИШИД фитнаси».....79

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЭТНИК ВА ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР

Марказий Осиёда қадимдан кўплаб халқ ва элатлар ёнма-ён яшаб келишган. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида илк ўрта асрлардаги этник ва тарихий жараёнлар ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: илк ўрта асрлар, элатлар, Ерқўрғон, этник жараён, сунъий деформация, эфталлийлар.

В Центральной Азии в древние времена жили многие народы. В данной статье анализировали на научной основе об этнических и исторических процессах в ранние средние века южных территориях Узбекистана.

At the Central Asia live side by side in plenty ethnic and nations from ancient times. Of the territory the south Uzbekistan is analyzed scientific principles ethnic and historical progresses in early middle ages in the article.

Ўзбекистон ҳудуди қадим замонлардан бўён турли дин ва элат вакиллари биргаликда яшаб келаётган макон ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида диний бағрикенглик ва элатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик муносабатларининг илдишлари кўп минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатиб туради. Элатларнинг ёнма-ён яшаш анъаналари илк ўрта асрларда ҳам давом этганлигини Кушонлар, Хионийлар, Кидарийлар, Эфталлар ва Турк ҳоконлиги давлатчилигида ҳам кўриш мумкин. Тарихимизда муҳим ўрин тутган элатлардан бири эфталлар бўлиб, бу ўзбек халқининг шаклланиши жараёни алоҳида аҳамият касб этади.

Милодий III аср охирида IV асрнинг бошларида қадимги дунёнинг йирик давлатлари инкирозга юз тугганини, Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик ҳудудларига шимоли-шарқий томондан кўп миқдордаги чорвадор аҳолининг кириб келганлигини кўплаб манбаларда кўриш мумкин. Айнан қадимги дунёнинг йирик империяларини инкирозга юз туганлиги сабабли ҳам бу ҳудудларга шимоли-шарқий томонлардан чорвадор аҳолини, яъни бошқа этник гуруҳларни кириб келганликларини кўриш мумкин. Қарши воҳасида шундай қадимги деҳқончилик ҳудудларидан бири Ксениппа эди. Айнан антик давр тарихчиларидан Квинт Курций Руф Ксениппани Скифия билан, яъни чўл ҳудудлари билан чегарадош эканлигини ёзишади [1].

Қарши воҳаси тарихининг милoddan илгариги минг йилликни ўрталарига оид ёзма манбалар сақланмаган. Археологик маълумотларни ҳам аёсан Ерқўрғон ёдгорлигидан олиш мумкин ҳолос. Аммо



Ерқўрғон ёдгорлигидаги қатламларнинг стратиграфик кетма-кетлиги узлуксиз давом этганлигини кўрамыз. Жумладан, Ерқўрғоннинг кўплаб стратиграфик қазилмалари, айниқса қулоллар маҳалласида, темирчилар маҳалласида солинган қазилмалар бу ердаги таракқиётнинг узлуксиз давом этганлигини кўрсатади.

Энг муҳим стратиграфик шурфлардан бир нечтаси қулоллар маҳалласида солинган бўлиб, ундан олинган материаллар милoddning биринчи асрларида шаҳар ҳаёти янада таракқий этганлигини кўрсатади. Улар таракқиётни инкирозга юз туганлиги тўғрисида маълумот бермайди. Аксинча, эрамининг биринчи асрларида қулолчилик маҳсулотларининг сифатини жуда ҳам яхшилашганини, идишлар енгил, ихчам, чиройли ва сифатли тайёрлана бошлаганлигини кўрамыз. Яъни милoddan аввалги ва милoddий йил бошларидаги

кулолчилик маҳсулотларини курадиган бўлсак, бу маҳсулотлар жуда сифатли килиб ишланганлигини, бу ерда ишлаб чикарилган маҳсулотлар қадимги Греция, Рим империяси ҳудудларидаги кулолчилик анъаналарига тақлид килингани, Самарқанд воҳасига жуда яқин бўлгани ва энг муҳими бу ерда ишлаб чикарилган кулолчилик маҳсулотларида ўша даврда жуда кенг тарқалган қадимги эллинлар маданиятининг таъсири натижасида вужудга келган анъаналар устивор эканлиги кўриниб туради.

Бу ердаги инкироз фақат IV асрларнинг ўрталаридан бошланганлиги кўриниб турибди. Ҳақиқатдан ҳам, айнан шу пайтдан Нахшабнинг моддий маданиятида кескин ўзгаришлар бўлганлиги сезилади.

IV асрлардан бошлаб воҳага дастлаб хионийлар, кейинрок, эфталийларни кириб келганликларини кўрамыз. V аср ўрталарига қадар Бактрия-Тохаристон ҳудудида эфталийлар тўлиқ шаклланган эди. Аммо бу халқнинг келиб чиқиши тўғрисида турлича фикрлар мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, С.П.Толстов Ўрта Осиёга эфталийлар Шарқий Туркистондан келган деган назарияни ўртага ташлаган. Шунга қарамай эфталийларни маҳаллий аҳолини бир қисми бўлган дегувчилар ҳам бўлган. Бу ғоя муаллифлари ўзларига шу ҳудуддан топилган кўплаб сунъий деформацияга учраган бош суякларини далил қилиб кўрсатишади. Чунки ҳақиқатдан ҳам Эски Термиз атрофларида бошни сунъий деформациялаш одати бор эди. Бундан ташқари, антрополог Т.Қ.Ходжаевнинг фикрича, бу ерлардан топилган барча антропологик материаллар – бош суяклари, шунингдек, тангалардаги тасвирлар аниқ европеоид ирқига мансуб, агар улар шарқий ҳудудлардан келган бўлганларида аниқ монголоид ирқига мансуб бўлар эдилар [2. 47].

Агарда антропологик белги сифатида бошдаги сунъий деформация қилиш одати эфталийларни одати билан боғланадиган бўлса, худди шундай деформацияланган бош суягининг Ерқўрғонни илк ўрта аср қатламларидан топилганлигини антропологик материаллар тасдиқлайди. Агарда эфталийларни бошларига пешонабоғ боғлаб бошни сунъий деформациялаш одати бўлганлиги тўғри бўладиган бўлса, унда Қашқадарёнинг илк ўрта асрлардаги аҳолиси ҳам эфталийлар бўлган бўлиши керак, деган ҳулосага келиш мумкин.

Шу билан бирга, ёзма манбалар Ўрта Осиёда яшаган халқлар тўғрисида анча бир-бирига қарама-қарши фикрларни беришади. Яъни, бир қисм манбаларда уларни ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган халқ эди дейишса, бошқа бир манбаларда уларни чорвадорлар

деб айтишган. Жумладан, Византия тарихчиси Прокопий Кесарийскийни ёзишича, «...бошқа халқларга ўхшаб улар кўчманчи эмас, жуда қадимги даврлардан буён ҳосилдор ерларга жойлашганлар». Бундан фарқли ўларок, Хитой ёзма манбалари бу аҳолини ўтовларда яшайди, кўчманчилик қилиб кун кўришади» деб ёзган. Нима бўлганда ҳам ҳар икки манба анчагина ҳақиқатни ёзганга ўхшайди, чунки Бактрия-Тохаристон ҳудудларида энг қадимги даврлардан буён чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқончилик қилиб кун кўрадиган аҳоли ёнма-ён яшаб келган. Шунинг учун, Болаликтепа деворий суратларида монголоид ирки белгилари мавжуд бўлган, қўзлари нисбатан қисқ қилиб ишланган аҳоли бошлари деформацияга учраганлигини ва бундай ҳолат қадимги даврлардан давом этиб келаётганлигини нумизматика материалларига чизилган суратлардан, шунингдек, Дилбарчин ёдгорлигидаги деворий суратлардан кўришимиз мумкин. Айниқса, милoddан илгариги I ва милoddнинг I асрларидан бошлаб кўчманчи-чорвадорларни таъсири жуда кучайганлигини ва шунинг учун ҳам аҳолининг анча қисми мўғуллашганлигини кўриш мумкин [3. 127].

Кушонлар империясини тугатилиши даврида кўчманчи – чорвадор қабилаларнинг доимий ҳужумларининг таъсири катта бўлган. Бу қабилаларнинг энг йириги ҳам «хион»лар эди. Бу давр нумизматика материалларини синчиқлаб ўрганган А.Р.Гиршманни кузатишича, эфталийлар ўзларини ўзлари «алхонлар», «хионлар» деб аташган. Турли ҳужжатларда эса улар ўзларини «эфталийлар» деб айтишган [4. 115]. Нима бўлганда ҳам V асрнинг ўрталарига келганда эфталийлар Тохаристон ҳудудининг жуда катта қисмини эгаллаб олишган эди. Кейинрок эфталийларнинг бир қисми шимолий Ҳиндистон, Покистон ва жанубий-шарқий Афғонистон ҳудудларини эгаллаб олишган ва у ерларда ўзларининг давлатларини тузишган. Эфталийларни иккинчи қисми шимол томонга йўл олиб, 467-480 йилларда Сўғдни бўйсундиришди ва VI асрнинг бошларида Шарқий Туркистон ҳудудларини эгаллашади [3].

Шундай қилиб, V асрнинг иккинчи ярмидан VI асрнинг бошларигача эфталийлар Афғонистоннинг катта ҳудудларини Ўрта Осиёнинг жануби, марказий ва шарқий ҳудудлари ва Шарқий Туркистонни эгаллаган катта давлатни тузишга муваффақ бўлдилар. Аммо бу давлат ташқи томондан қараганда, жуда ҳам катта ҳудудларни эгаллаб олган бўлса ҳам, ягона давлат сифатида жуда бўш эди. Ҳар қайси ҳудудининг ўз подшоҳи, ўз давлати ва ҳатто, ўзларининг алоҳида тангалари бор эди. Аммо бу тангаларнинг биронтасида ҳам ўша ҳудуд ҳукмдорининг номи ёзилмаган эди. Бу ҳам ўша ҳудуднинг анчагина бўшлигини, нима

Булганда ҳам юкорида яна бошка подшо бўлиб, маҳаллий зодагонлар унга бўйсуниллари кераклигидан далолат берар эди. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам бутун эфталийлар давлати ҳудудида ҳамма ўша юкоридаги подшога бўйсунилар эди. Шунга қарамай, улар давлатнинг ҳам тисодий, ҳам сиёсий асосини тузиша билмишмади. Шу билан бирга айрим ҳудудларни ҳукмдорлари доимий, яъни ўзларини сулолавий, яъни бир авлод вакилларини доимий подшолик қилиш анъаналари тўғрисидаги хабарни Хитой солномалари берадилар. Хитой солномалари Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам худди шундай мустақил, ўз подшоларига эга юрт борлиги тўғрисида маълумот бор. Жумладан, Кан (Самарқанд Сўғди) ҳукмдорларининг келиб чиқиши юзчи қабилаларига бориб тақалишини ҳамда улар ғамиздан аввалги II асрдан буён ҳукмронликни авлоддан-авлодга бериб келаётганликларини ёзадилар [5. 271.].

Археологик ва айниқса, нумизматик маълумотларга қараганда, V асрнинг охирилари ва VI асрнинг иккинчи ярмидан турли сулолалар ичида Чағониён ҳукмдорларининг роли тобора ортиб боради. Дастлаб, улар номсиз ҳукмдорларнинг тангаларини чиқара бошлашди, кейинроқ эса қумуш ва мис тангаларига ўзларининг подшоларининг номини қўйиб чиқаришди.

Қўп ўтмай Чағониён жуда катта ва қудратли мамлакатга айланади. Бу давлатнинг шаклланиш даврида аҳолиси дастлаб қўчманчи чорвадор эканлигини ва уларда аста-секинлик билан ўтроклашиш жараёни бошланганлигини кўришимиз мумкин. Давлатнинг асосий пойтахти шимолий Афғонистондаги Қундуз атрофидаги Бадиян шаҳри эди. Асли қўчманчи аҳолидан чиққан бу ҳукмдорлар мамлакатдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ аҳолининг ишига аралашмасликни, уларни ишларини тўхтатишга олиб келиши мумкин бўлган ишларни қилмасликка ҳаракат қилишар эди. Ҳукмдорлар доимий равишда солиқларни тушиб туришидан ва аҳолининг, ҳунармандларнинг ҳам ишини юришиб фойда олишларидан манфаатдор эдилар. Бундай одатни кейинги турк ҳукмдорлиги даври материалларидан ҳам кўриш мумкин. Улар ҳам деҳқон ва ҳунармандларнинг эски ички бошқарув тизимини ўзгартиришдан манфаатдор эмас эдилар.

Юкоридагилардан ташқари айрим эфталийлар Амударёнинг ўнг тарафига ўтиб, қадимги деҳқончилик ҳудудларига жойлашганлар. Орадан анча вақт ўтиб араб манбалари (Маъсудий, Саоалибий, Муқаддасий) Ўрта Осиёнинг одамлари ҳақида гапиришар экан, уларни хайтал (эфталий) эканлиги тўғрисида маълумот беришади.

Эфталийлар тўғрисида Фирдавсийнинг

«Шохнома» асари турклар билан бўлган жангда эфталийлар подшоши Гатифар ўлгандан кейин унинг ўрнига эфталий Чағониён ҳукмдори Хушнавоз тайинлангани, Наршахий эса Бухоро воҳасида ҳам эфталийлар борлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Деярли барча адабиётларда эфталийлар инкирози тўғрисида сўз кетганда, уларнинг асосий сабаби маҳаллий ҳукмдорлар эканлигини, яъни улар Эрон сосонийлари ва Турк ҳоконлигининг бирлашган қучларига қарши қурашганда қўллаб-қувватламаганликлари тўғрисида ёзадилар. Натижада ўртадаги жангда эфталийлар давлатини ҳалокатга учрашига олиб келди.

Эфталийларни бошка давлатлар билан алоқалари тўғрисида бир қатор маълумотлар бор. Жумладан, эфталийлар жужанларга бир неча марта элчилар юборганликлари тўғрисида хабар бор. Эрон билан ҳам жуда яқин алоқада бўлганликлари, аммо V асрнинг охириларида ўртада жуда каттик тўқнашувлар бўлганлиги ёзилади [6. 58-66]. Натижада Эрон эфталийларга катта тавон тўлайди. Кейинчалик эфталийлар билан Эрон ўртасидаги муносабатлар яхши бўлиб боради, ҳатто иттифоқчилик даражасига кўтарилади. Жумладан, 502 йилда Эрон шоҳи Пероз ўгли Кубод (488-531) эфталийлар билан биргаликда Византияга қарши юриш қилади. 506 йили тинчлик битими тузилди, эфталийлар ўзларига тегишли Византия тиллаларини бир қисмини олди. Шундан кейин Эрон билан эфталийлар ўртасидаги муносабат аста-секинлик билан бузилади. Кейинроқ Хусрав I Ануширвон (531-571) давридан Эрон кучая боради. Натижада эфталийларга тоовон пули тўламай қўйилди. Бу албатта икки давлат ўртасидаги янги тўқнашувга сигнал эди. Аммо Хусров I Ануширвон очик ойдin эфталийларга қарши жанг қилишга ботина олмади [7.41]

VI асрнинг ўрталаридан Марказий Осиёнинг тарих саҳнасида турк ҳоконлиги пайдо бўлди (551-744 й). Олтой атрофларида вужудга келган бу уюшманинг бошлиқлари икки ака-ука Тумин ва Истеми раҳбарлик қилишган бўлиб, улар дастлаб жужанларни тор-мор этишди. Тумин уларнинг «ҳокон» деган унвонини қабул қилди. У ўзининг ҳудудларини шарққа томон кенгайтди, унинг укаси Истеми эса ғарб томонга ҳаракат қилиб Каспий денгизигача, шарқда Шарқий Туркистон ва шимолий Ҳиндистонгача бўлган ерларни қўшиб олди.

Фирдавсийнинг «Шохнома»сида таъкидланишича, турклар эфталийлар билан кескин тўқнашунларига қадар, Ўрта Осиёга қариб келганлар ва Чочдан шимолдаги айрим ҳудудларни босиб олганлар. Бу нарса VI асрнинг 50-йилларида бўлган эди. Шундан кейин Эрон билан турклар ўртасида эфталийларга қарши қурашиш бўйича музокаралар олиб борилди

ва биргаликда эфталийларга қарши қурашиш тўғрисида шартнома тузилди. Бу шартнома икки ўртада никоҳ билан мустақамланиши керак эди. Унга кўра Хусрав I ҳоконнинг кизини хотинликка олиши керак эди. Эроннинг Амударёдан шимол томонда жанг қилганлиги ҳақида бирон-бир аниқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо бу даврдаги энг кучли уюшма турклар эканлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун биз эфталийларни тор-мор этилишида энг асосий зарбани турклар берганлигини таъкидлашимиз керак.

«Шохнома»да VI асрнинг ўрталарида турклардан Эронга кетаётган элчиларнинг Сўғд ҳудудидида ўлдирилиш сабабини Эрон билан турклар ўртасидаги иттифокчиликнинг бузилиши эканлиги ёзилган. Турк ҳокони буни эшитгач, қатта қўшин билан эфталийлар юртига қарши юриди ва Чочни эгаллади. Шундан кейин эфталийлар подшоши Гатифар Бухоро яқинида тезлик билан қўшин тўплади. Бу вақтда турклар Маймурғача келишган эди. Асосий уруш Бухоро яқинида бўлди ва эфталийларнинг тўлиқ маглубияти билан тугади. Эфталийларнинг қолган қисми жануб томонга қочишди ва у ерда янги Фаганиш деган подшоҳни сайлашди (Чағониён подшоши). Шундан кейин Хусрав I ўз армияси билан эфталийларга қарши чиқди. Шунинг учун ҳам Фаганиш тўлиқ маглубиятга учрамай туриб ўзи таслим бўлганлигини эълон қилди.

Эфталийлар икки ўт ўртасида қолмаганда улар таслим бўлишмас эди. Аммо тарихчилар орасида эфталийларни қачон тўлиқ маглубиятга учраганликлари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин Сўғдни эфталийлардан 563 йилда мустақил бўлганликларини жуда қатта танаффусдан кейин 564 йилда Сўғддан Хитойга мустақил элчилар келганлигидан билиб оламиз.

Воқеаларнинг кейинги ривожини шуни кўрсатадики, эфталийларнинг собиқ ҳудудлари Эрон сосонийлари билан турклар ўртасида бўлиб олинади. Амударёдан жанубдаги барча ерлар Эрон тасарруфига, Амударёдан

шимолдаги ерлар туркларга ўтади. Эфталийлар эса ҳар ҳолда жуда оз бўлган Чағониён атрофидаги оралиқ ҳудудни эгаллашди. Улар Эрон ҳукмронлигини тан олишди, туркларга эса ҳар йили хирож тўлашди. Шу билан бирга эфталийлар Эрон билан турклар ўртасидаги молу-мулкни бўлиш борасида келиб чиқадиган низолардан усталик билан фойдаланишди. Лекин бундай кичик оралиқ давлат узоқ вақт ҳукм суриши мумкин эмас эди. Хусров I ҳаётлик чоғидаёқ Амударёдан ўтиб Хутталга етиб келди ва эфталийлар подшоши Ахшуварни ўлдириб, ўзига эфталийлар ерини қўшиб олди.

VI асрнинг охириларида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги эфталийлар туркларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида сосонийларга тобеликдан қутилдилар, аммо Фарбий турк ҳоконлигининг қўл остига тушиб қолишди.

Шундай қилиб, ҳаёти яқин 150 йил давом этган эфталийлар давлати мутлақо ҳалокатга учради. Эммо бу давлатнинг куч-қудрати қушонлар империясига ўхшаб иқтисодий жиҳатдан бақувват, марказлашган давлат бўлмаган. Шу билан бирга, бу давлат жанубдаги Эроннинг доимий равишда ўзининг ҳудудларини Ўрта Осиё ҳисобидан кенгайтириш йўлида қилган ҳаракатларига тўсиқ бўла олди ва шу билан бирга ривожланишнинг мустақил йўлини саклаб қолди. Эфталийлар даврида аста-секинлик билан иқтисод, айниқса, хунармандчиликнинг кўтарилишини, маданият нисбатан ривожланганлигини кўриш мумкин. Бунга албатта, унчалик кучли бўлмаса ҳам, марказлашган давлат бўлганлиги ва сиёсий жиҳатдан доимийликни сақлаганликлариدير.

Шу билан бирга эфталийларни турклар босиб олгандан кейин улар ўзларининг мустақилликларини қисман йўқотдилар, уларга доимий равишда солиқ тўлаб турадиган бўлишди. Аммо, биров кейинроқ бу ҳудудлардан борган элчилар турли мамлакатлар подшоҳларининг олдида бу юртга ўз давлатининг элчиси, яъни давлат мустақиллигини билдирувчи белги эканлигини кўриш мумкин эди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского (кн. VII, 14), М., 1963.
2. Ходжаев Т.К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. (Антропологические исследования). - Ташкент, 1987.
3. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тахаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье. Ташкент, 1990.
4. Ghirhman R. Les Chionites-Nephtalites// MDAFA.- Le Caire, 1948.
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. II, Л., 1950.
6. Маршак Б.И. К вопросу о восточных противниках Ирана в V в. Страны и народы Востока. Вып. X. М., «Наука». 1971.
7. История таджикского народа. Т. II. Душанбе, 1999.